



## THE BALANCE BETWEEN NATIONAL IDENTITY AND GLOBAL INFLUENCES IN THE IDEOSPHERE OF SOCIETY

*Nargiza Ergashevna Salieva*

*PhD in Political Science, Associate Professor*

*Vice-Rector for Research and Innovation, Sambhram University Jizzakh Jizzakh, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** ideosphere, national identity, global influence, ideological security, information policy, national idea.

**Received:** 19.10.25

**Accepted:** 20.10.25

**Published:** 21.10.25

**Abstract:** This article analyzes the issue of balancing national identity and global influences within the ideosphere of society. It explores the integration of national ideology with globalization, the impact of information and popular culture, and modern threats to ideological security. Practical mechanisms for preserving national identity through education, culture, and information policy are also proposed.

## ЖАМИЯТ ИДЕОСФЕРАСИДА МИЛЛИЙ ҶЗЛИК ВА ГЛОБАЛ ТАЪСИРЛАР МУВОЗАНАТИ

*Наргиза Эргашевна Салиева*

*Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент*

*Жиззах шаҳридаги Самбхрам университети илмий*

*ишлар ва инновациялар бўйича проректори*

*Жиззах, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** идеосфера, миллий ўзлик, глобал таъсир, мафкуравий хавфсизлик, ахборот сиёсати, миллий ғоя.

**Аннотация:** Мазкур мақолада жамият идеосферасида миллий ўзлик ва глобал таъсирлар ўртасидаги мувозанат масаласи илмий таҳлил этилган. Миллий ғоя ва глобаллашув жараёни ўртасидаги интеграция, ахборот ва маданий таъсирлар, шунингдек, мафкуравий хавфсизликнинг замонавий талаблари ёритилган. Таълим, маданият ва ахборот сиёсати соҳаларида миллий ўзликни сақлаш механизмлари асосида амалий таклифлар илгари сурилган.

## БАЛАНС МЕЖДУ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТЬЮ И ГЛОБАЛЬНЫМИ ВЛИЯНИЯМИ В ИДЕОСФЕРЕ ОБЩЕСТВА

**Наргиза Эргашевна Салиева**

*Доктор философии (PhD) по политическим наукам, доцент*

*Проректор по научной работе и инновациям Самбхрамского университета в г. Джизак  
Джизак, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

---

**Ключевые слова:** идеосфера, национальная идентичность, глобализация, идеологическая безопасность, информационная политика, национальная идея.

**Аннотация:** В статье рассматривается проблема баланса между национальной идентичностью и глобальными влияниями в идеосфере общества. Проанализированы процессы интеграции национальной идеи с глобализацией, воздействие информации, массовой культуры и современные вызовы идеологической безопасности. Также предложены практические механизмы сохранения национальной идентичности в сферах образования, культуры и информационной политики.

---

Ҳар бир миллатнинг яшовчанлиги ва тарих саҳнасида ўз ўрнига эга бўлиб қолиши, аввало, унинг миллий ўзлигини асраб-авайлаши, мафкуравий барқарорлиги ва ижтимоий онг соҳасидаги иммунитетига боғлиқ. Миллий ўзлик бу — халқнинг тарихи, тили, дини, урф-одати, маданияти ва дунёқараши билан шаклланган маънавий тимсолидир. У нафақат ўтмиш хотираси, балки бугунги тараққиёт манбаи ва келажак салоҳиятини белгилайдиган асосий мезондир.

Бугунги глобаллашув шароитида дунёда юз бераётган ахборот оқими, маданий таъсирлар, технологиявий янгиланишлар ва мафкуравий таъсирлар ҳар бир жамиятнинг идеосферасига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Идеосфера — бу жамият онгида устувор бўлган ғоялар, қадриятлар, ахборот манбалари, мафкуравий мақсадлар ва маънавий тушунчалар мажмуасидир. У жамиятда қандай фикрлар устунлигини, қандай ғоялар кенг тарқалаётганини, қандай дунёқараш шаклланиб бораётганини белгилайди. Шу боис, идеосфера нафақат мафкуравий муҳит, балки миллий хавфсизликнинг муҳим стратегик соҳаси сифатида ҳам баҳоланади.

Миллий ўзликнинг мустаҳкамлиги — жамият идеосферасида мафкуравий мувозанатни таъминлаш орқали юзага чиқади. Бу мувозанат миллий ғоялар, урф-одатлар ва тарихий тафаккур билан глобал ахборот, медиа, поп-маданият ва умуминсоний ғоялар ўртасидаги интеграция ва барқарор ҳамоҳангликни англатади. Агар миллий идеосфера

шижоатли, фаол ва илмий асосланган ҳолда шаклланмаса, ташқи таъсирлар уни пасайтиради, аҳоли онгини ишғол этади ва миллий идентификацияни сўндиради.

Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда миллий тикланиш ва тараққиёт жараёнлари фонида идеосферанинг мазмунан бойиши, миллий ғоя ва маънавий ислоҳотлар билан тўлдирилиши долзарб вазифага айланди. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистонни эскича тафаккур билан қуриб бўлмади”, деган тамойил мафкуравий майдонда ҳам янгилашни талаб этмоқда. Шу боис, миллий ўзликни сақлаш билан бирга, уни глобал таъсирлар остида бойитиш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш — бугунги жамият учун ҳаётини заруратдир.

Мазкур мақолада ана шу мураккаб, лекин долзарб муаммо — миллий ўзлик ва глобал таъсирлар мувозанати масаласи илмий-назарий асосда таҳлил қилинади. Асосий мақсад — идеосферадаги ички ва ташқи ғоявий омилларни чуқур ўрганиш, улар ўртасидаги муносабатлар механизмини очиқ бериш, ҳамда мувозанатни таъминлашнинг амалий ва концептуал ечимларини кўрсатишдир.

Шу мақсадда мақолада қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Идеосфера тушунчаси ва унинг илмий асосларини тавсифлаш;
- Миллий ўзликни шакллантирувчи ғоявий-маънавий асосларни таҳлил қилиш;
- Глобал таъсирларнинг кўринишлари ва механизмларини очиқ бериш;
- Миллий ва глобал таъсирлар ўртасида мувозанатни таъминлаш йўллари аниқлаш;
- Мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

Жамиятдаги ғоявий жараёнлар, дунёқарашлар, маънавий интилишлар ва ахборот оқимлари мураккаб бир муҳит, яъни идеосфера атамаси билан ифодаланади. Илмий нуқтаи назардан идеосфера бу жамиятнинг маънавий-ахборот майдони бўлиб, унда ғоялар яратилади, тарқалади ва мафкуравий қарашларга айланади. У фақат маълумотлар оқими эмас, балки жамиятнинг онг ва ғоялар асосида шаклландиган маънавий “иқлими” сифатида фаолият кўрсатади.

“Идеосфера” тушунчаси илк бор франциялик мутафаккир Эдгар Морен ва руминиялик олим Серж Московиси ишларида назарий тушунча сифатида мустаҳкамланган. Уларга кўра, жамиятда ғоялар ҳам худди биологик вируслар сингари тарқалади, шаклланади ва таъсир қилади. Шу жиҳатдан идеосферани жамиятнинг мафкуравий экотизими сифатида қабул қилиш мумкин.

Олим Владимир Лефевр эса идеосферани “жамиятдаги ижтимоий-ахборот муносабатларининг йиғиндиси, яъни қандай фикрлар ҳақиқат сифатида қабул қилиниши ва қайсилар рад этилиши”ни бошқариб турувчи механизм сифатида таърифлайди. Унинг

назариясида идеосфера — бу ақллар ўртасидаги нозик алоқа, кучлар мувозанати ва символик жанг майдонидир. Лефевр таъкидлаганидек, ҳар бир ғоя жамият онгида икки йўлдан: ё қабул қилиниши, ё рад этилиши орқали яшайди ва идеосфера бу жараёнларнинг умумий тузилмасини ташкил этади.

Идеосфера фақат ижтимоий фанлар билан чекланмайди — у психология, фалсафа ва оммавий коммуникация соҳаларида ҳам кенг ўрганилади. Масалан, немис мутафаккири Юрген Хабермас “оммавий ақл” (public reason) ва “музокара майдони” тушунчасини илгари сурган ҳолда, идеосферани жамиятнинг коммуникатив онги деб изоҳлайди. Унинг фикрича, жамиятда ғоялар ва арзий тушунчалар умумий муҳокама ва танқид орқали шаклланади, ва бу жараёнлар идеосферанинг марказий ядросини ташкил қилади.

Шунингдек, медиа назариясида ҳам идеосфера муҳим ўрин тутди. Маршалл Маклюэн идеосферани ахборот воситалари орқали яратилдиган умумий фикрлаш муҳити сифатида кўради. У “оммавий медиа жамиятнинг фалсафий мафкурасини шакллантиради, чунки ахборот — бу янги воқелик” деб таъкидлайди. Яъни, ғоялар ва қарашлар ахборот майдонида қайта ишланади, қайта шакллантирилади ва аҳоли онгига “инъекция” қилинади.

Идеосфера — бу ғоялар айланмаси, яъни маълум бир фикрлар, қарашлар ва тушунчалар жамиятда қандай тарқалиши, қандай қабул қилиниши ва қай тарзда ижтимоий онгга сингдирилишини белгилайдиган жараёндир. Бу жараёнда таълим, оммавий ахборот воситалари, интернет, санъат, адабиёт ва сиёсий институтлар фаол иштирок этади.

Мисол тариқасида, бугунги кунда глобал интернет платформа ва ижтимоий тармоқлар жамият идеосферасида мутлақ ҳукмронлик қилиб, миллий ғояларнинг таъсир доирасини чекламоқда. Ахборот урушлари, фейк контентлар, “мода” тушунчалари ва ўзгача турмуш тарзи тарғиботи орқали жамиятдаги анъанавий ғоялар заифлашмоқда. Агар идеосфера миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида қайта тузилмаса, у ташқи таъсирларга нисбатан муқобил ғоявий бардошни йўқотади.

Шу сабабли, идеосферада мафкуравий танлов, интеллектуал иммунитет ва миллий ғоялар тизимини фаол тарзда мустаҳкамлаш – жамиятнинг маънавий мустақиллигини таъминлайдиган ҳал қилувчи омилдир. Идеосфера жамиятда нимани яхши, нимани ёмон, кимни қаҳрамон ва кимни душман сифатида қабул қилишни белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан, у нафақат фалсафий муҳит, балки стратегик майдон ҳисобланади.

Миллий ўзлик — бу халқнинг тарихий хотираси, тили, дини, маданияти, урф-одатлари ва умумий дунёқарашига таянган ҳолда шаклландиган маънавий-руҳий қадриятлар тизимидир. У миллатнинг ўзига хослигини, ҳаётга муносабатини, келажакка бўлган интилишини белгилаб беради. Миллий ўзлик шунчаки тарихий мерос эмас, балки

бугунги тараққиёт жараёнида халқнинг ўзини англаш даражаси, ижтимоий онгининг ифодасидир.

Миллий онг — бу миллатнинг ўз тарихи ва келажаги учун жавобгарлик ҳиссини англаши, маънавий-ахлоқий меъёрларига таянган ҳолда жамиятда фаол позиция эгаллаши демакдир. Бу онгни мустаҳкамлайдиган асосий омиллар қаторида:

- тил ва адабиёт,
- миллий анъаналар,
- тарихий хотира,
- миллий қаҳрамонлар образи,
- урф-одат ва маънавий мерос

каби таркибий қисмлар алоҳида аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, миллий қадриятлар тизими — бу нафақат сақланиши лозим бўлган бойлик, балки доимий равишда амалиётда намоён бўлиши керак бўлган мафкуравий-тарбиявий механизмдир. Агар қадриятлар ҳаётнинг фақат рамзий ёки ёдгорлик қисмида намоён бўлса, уларнинг таъсир доираси чекланади. Аксинча, миллий қадриятлар таълим, ОАВ, давлат идоралари, маданият ва иқтисодиёт тизими орқали ишловчи ғояларга айланса, улар миллий онгни мустаҳкамлайдиган асосий манбага айланади.

Миллий онг ва қадриятлар жамият идеосферасида ҳаётининг позиция сифатида мавжуд бўлиши, одамлар онгида фаол равишда истиқомат қилиши, яъни фақат фан ва тарих эмас, балки ҳаёт тарзи сифатида қабул қилиниши керак. Ана шундагина миллий ўзлик жамиятни мафкуравий жиҳатдан барқарор ва ташқи таъсирлардан муҳофаза қила оладиган “интеллектуал қалқон”га айланади.

Ҳар бир миллат тарихий-ижтимоий жараёнларда ўз ғоявий таянчини шакллантиришга интилади. Бу ғоя — халқнинг келажак тасаввури, миллий мақсади ва бирдамлик манбаи сифатида фаолият кўрсатади. Миллий ғоя ҳеч қачон сунъий шаклланмайди. У миллий тафаккур, ижтимоий эҳтиёж, тарихий тажриба ва маънавий қадриятларнинг ўзаро таъсири натижасида табиий равишда вужудга келади. Аммо бу жараёнда уни шакллантирадиган ва жамият онгида мустаҳкамлайдиган идеосферанинг ўрни ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Идеосфера ғояларнинг яратилиши, қайта ишланиши, тарғиботи ва қабул қилиниши учун хизмат қилувчи мафкуравий муҳитдир. Унга ахборот майдони, таълим тизими, адабиёт ва санъат, миллий ОАВ, маърифий ҳаракатлар, диний-интеллектуал институтлар киради. Миллий ғоя фақат давлат томонидан шакллантирилмайди — уни идеосферадаги субъектлар орасидаги узвий муносабатлар, жамиятнинг ижтимоий кайфияти ва ахборот хулосалари ҳам белгилаб боради.

Масалан, миллий ғояда фаол бўлган “Ватанга садоқат”, “Адолат устуворлиги”, “Меҳнат билан камолот” каби тушунчалар фақат маърузалардаги иборалар эмас, балки жамият идеосфераси орқали халқ онгида ҳаётий тушунчага айланиши лозим. Бу тушунчалар оммавий ахборот воситаларида қанчалик рағбат билан ишлатилади, таълимда қанчалик чуқур ўқитилади, адабиёт ва кино орқали қанчалик севги билан талқин этилади — шунга қараб уларнинг ғоя сифатида яшаш салоҳияти аниқланади.

Идеосферада мувозанат бўлмаса, миллий ғоянинг ўрнини ташқи таъсирлар билан кириб келган бошқа “тенгдаши” — яъни глобал, арзимас, истеъмолчилик ғоялар эгаллаб олиши мумкин. Бу эса жамиятда миллий ғояга нисбатан лоқайдлик, тарғиботга ишонмаслик, ёшларда маънавий мувозанат йўқолиши каби оқибатларга олиб келади. Шу боис миллий ғояни ҳаётга татбиқ этишнинг самарали услуби — уни идеосферанинг табиий ҳаракати орқали, яъни халқнинг кундалик маданияти, нутқи, фикрлаш тарзи орқали ёритишдир.

Айниқса, ўзбек жамиятида миллий ғоя мазмунидаги ғоявий вазифалар — тинчликни асраш, миллий ўзликни мустаҳкамлаш, маънавий юксалишга интилиш каби тамойиллар давлатимизнинг сиёсий-ижтимоий стратегик дастурларида ҳам ўз ифодасини топган. Бу эса давлат сиёсатининг идеосфера билан ҳамоҳанг ҳаракат қилишини таъминлайди.

Шундай қилиб, миллий ғоя идеосферасиз мавжуд бўлолмайди. У шунчаки шиор эмас, балки жамият онгининг таянч нуқтаси сифатида ҳаётга татбиқ этилиши, аҳолининг барча қатламлари учун тушунарли ва қабул қилинувчи мазмунда бўлиши лозим. Бу эса унга хизмат қилувчи идеосферанинг ривожланиши ва ғоявий барқарорлигига бевосита боғлиқ бўлади.

Миллий ўзликни шакллантириш ва мустаҳкамлаш масаласи ҳар бир давлатнинг узок муддатли стратегиясида энг муҳим ғоявий асослардан бири ҳисобланади. Бу тушунча нафақат фалсафий ёки маданий мезон сифатида, балки амалий сиёсий барқарорлик ва жамият онгини бирлаштирувчи куч сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, миллий ўзлик масаласининг давлат сиёсатидаги ифодасини таҳлил қилиш, айниқса, Ўзбекистон каби тарихий янгиланиш йўлидан бораётган мамлакатда алоҳида долзарблик касб этади.

Шавкат Мирзиёевнинг раҳбарлигида қабул қилинган “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” (2022) миллий онг ва ўзлик масаласини давлат тараққиётининг ғоявий-асосий йўналишларидан бири сифатида белгилади. Стратегияда беш устувор йўналиш орасида “маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” алоҳида аҳамият касб этади. Бу бобда жамиятнинг маънавий иммунитетини ошириш, миллий ғоя асосида фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш каби масалалар муфассал ёритилган.

Айниқса, мазкур стратегияда миллий ўзлик масаласи қуйидаги тамойиллар орқали амалий ифода топган:

- Инсон кадрини улуғлаш: Миллий ғоя ўзининг марказида инсон шахсиятини, унинг ҳуқуқлари, ор-номуси ва ижтимоий фаоллигини асосий қадрият сифатида белгилайди.

- Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик: Миллий бирликни таъминлашнинг бош йўли сифатида қаралади.

- Фуқаролик жамиятини ривожлантириш: Миллий ўзликни тўла ифода этувчи, сиёсий, ижтимоий, маънавий фаол фуқаро типини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.

- Маданият ва таълим соҳаларида миллий онгни сингдириш: Миллий ўзликни шакллантирувчи муҳим институтлар сифатида таълим, адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари стратегик вазифа сифатида белгиланган.

Стратегияда “бугунги глобаллашув даврида миллий ғояни аниқ ифода қилиш ва уни жамият онгига сингдириш” масаласи жуда муҳим деб белгиланади. Бу жараённинг муваффақияти эса тўғридан тўғри идеосферадаги мафкуравий мувозанат ва давлатнинг ғоявий-тарбиявий фаоллиги билан боғлиқ.

Умуман олганда, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”да миллий ўзлик масаласи фақат шиор сифатида эмас, балки жамиятни янгилашнинг, мафкуравий иммунитетни кучайтиришнинг ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг мустаҳкам ғоявий пойдевори сифатида тушунтирилади.

Глобаллашув жараёнлари жамият идеосферасига турли таъсирлар кўрсатмоқда. Ахборот майдонидаги очиқлик, оммавий маданиятнинг жадал тарқалиши, интернет орқали ташқи ғояларнинг кириб келиши — буларнинг барчаси миллий онгнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши жараёнида ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларга эга. Айниқса, интернет ва глобал медиа платформалар орқали тарқаладиган ғоялар, ҳаёт тарзи ва турмуш меъёрлари аксарият ҳолларда ғарб цивилизацияси асосида шаклланган бўлиб, улар миллий қадриятлар тизими билан қарама-қаршиликка кириши мумкин.

Журналистика ва оммавий коммуникация соҳасидаги тадқиқотларга кўра, глобал медиа орқали тарқаладиган контентнинг катта қисми (баъзилар ҳисоб-китобига кўра 70–80 фоизи) ғарб дунёқараши, визуал рамзлари ва ҳаёт услубини тарғиб этади. Бу жараён миллий ғоялар учун рақобат муҳитини кучайтиради. Интернет тармоқларида алгоритмлар орқали муайян контентларни “тарғиб қилиш” амалиёти, фойдаланувчини маълум ғоявий муҳитга тортиб бориши мумкин. Бу эса жамиятдаги ахборот танловини чеклайди ва танқидий фикрлашнинг сўниш хавфини туғдиради.

Глобал таъсирнинг яна бир муҳим жиҳати маданий стандартлашув, яъни ғарб ҳаёт тарзи ва маданиятининг универсал қадрият сифатида намоён бўлишида кўринади. Westernization деб юритиладиган ушбу жараён орқали поп-маданият, мода, кино, гастрономия, мусика каби маданий элементлар жаҳон миқёсида кенг тарқалмоқда. Бу эса миллий анъаналар, урф-одатлар, эстетик қарашлар ва маънавий меъёрлар учун янги рақобат муҳитини юзага келтиради. Ж.Томлинсон таъбири билан айтганда, глобаллашув “маданий гомогенизация”га олиб келади — дунё халқлари турли тилда сўзлашса ҳам, бир хил фикрлай бошлайди, бир хилни истеъмол қилади, бир хилни гўзал деб билади .

Бу жараён айниқса ёш авлод онгида ўз қадриятини камситиш, миллий тарздан узоқлашиш, “замонавийлик”ни ғарбча ҳаёт тарзи билан боғлаш каби салбий ҳолатларни кучайтиради. Миллий ғоянинг замонавий оммавий тафаккур билан қарама-қарши қўйилиши хавфли тенденция ҳисобланади. З.Бжезинский бу ҳолатни “ахборот империализми” деб изоҳлаган ва уни мафкуравий гегемония шаклида баҳолаган .

Шу билан бирга, глобал таъсирлар миллий ўзликка таҳдид солувчи қатор мафкуравий омилларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, ижтимоий тармоқлардаги фейк ва манипулятив контентлар орқали ғоявий таҳриф юзага келмоқда, миллий ғояни ёшлар онгида қадимийлик ва архаизм сифатида қабул қилиш ҳолати кузатилмоқда. Бу жараён эстетик ва ахлоқий мезонларни ҳам ўзгартираётгани, фуқароларни миллий тафаккурдан четлаштириш орқали идеосферада “мафкуравий бўшлиқ” яратаётгани билан хатарли.

Бундан келиб чиқадики, глобал ахборот ва маданий таъсирлар — замонавий жамият учун имконият ҳам, таҳдид ҳам бўлиши мумкин. Миллий идеосферани мустаҳкамлаш учун давлат ва жамият институциялари, таълим ва медиа тизими, илм-фан ва маънавият соҳалари миллий ғояни фаол тарғиб этиши, унинг замонавий шаклларда ҳаётга татбиқ қилинишига йўналтирилган тизимли ишлар олиб бориши зарур. Акс ҳолда, миллий ўзлик мафкуравий курашда заиф тарафда қолиши ва жамиятнинг маънавий барқарорлиги издан чиқиши мумкин.

Глобаллашув жараёни жамиятлар олдида янги ижтимоий, маданий ва мафкуравий чақириқларни қўймоқда. Бу жараёнда миллий ўзликни сақлаш ва глобал таъсирлар билан мувозанатда олиб бориш масаласи фақат илмий назарий муҳокама эмас, балки давлат сиёсати ва жамият тараққиётининг амалий устувор вазифасига айланмоқда. Бундай шароитда миллий мафкура ва глобал ёндашув ўртасида самарали интеграцияни таъминлаш — жамиятнинг мафкуравий барқарорлиги, маънавий иммунитет ва маърифатли фуқаролик онгини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Миллий мафкура ва глобал ёндашув ўртасидаги интеграциядаги асосий мезон — миллий қадриятларни асраб-авайлаб, уларни универсал гуманистик ғоялар билан

уйғунлаштиришдир. Бу жараёнда миллий онг ва умуминсоний кадриятлар ўртасидаги карама-қаршилиқни эмас, балки барқарор ҳамоҳанглиқни таъминлаш муҳим. Яъни, миллий кадриятлар инкор этилмасдан, аксинча, глобал муносабатларда ўз ўрнини топиши лозим. Бундай ёндашувда миллий ўзлик — тор ёпиқлик ёки изоляция эмас, балки илғор, таҳаммулли, креатив фуқаролик онгининг марказий ғояси бўлиб хизмат қилади.

Бундай мувозанатни шакллантиришда таълим, маданият ва ахборот сиёсати муҳим стратегик йўналишлар сифатида майдонга чиқади. Таълим тизими ёш авлод онгида миллий ғоя, тарихий хотира ва фуқаролик масъулиятини шакллантиришда етакчи куч бўлиши керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, таълим мазмунида миллий онг ва глобал дунёқарашни уйғунлаштирувчи фанлар, методлар ва замонавий медиа технологияларидан самарали фойдаланиш зарур. Масалан, “Миллий ғоя”, “Ўзбек маданияти тарихи”, “Миллий кадриятлар ва замонавийлик” каби йўналишлар ёшларни глобал дунёда ўз ўрнини топа оладиган, шу билан бирга ўз миллий асосларини англайдиган шахс сифатида тарбиялайди.

Ахборот сиёсатида эса жамиятнинг миллий ғоявий иммунитетини таъминлайдиган ахборот муҳитини яратиш муҳим. Бу борада миллий медиаларнинг мазмунан бой ва таъсирчан бўлиши, миллий тарих, миллий қаҳрамонлар, анъана ва урф-одатлар ҳақидаги контентнинг визуал ва интерактив шаклларда кенг тарқалиши катта аҳамиятга эга. Ахборот майдонида ташқи таъсирларга фақат тақиқ билан эмас, балки мафкуравий рақобат орқали жавоб қайтариш — миллий идеосферанинг глобал курашдаги барқарорлигини таъминлайди.

Маданият сиёсатида эса миллий ўзликни замонавий санъат, дизайн, театр, кино ва халқ амалий санъати орқали ифода этиш орқали уни жамият ҳаётига ҳаётий тарзда сингдириш зарур. Бу миллийликни архаик рамз сифатида эмас, балки замонавийликнинг мазмундор ифодаси сифатида намоён этиш имконини беради. Масалан, ўзбек мусиқаси ва миллий кийимлари халқаро мода ва санъат орқали интерпретация қилинганда, улар мафкуравий симбол эмас, балки жозибали “ижтимоий код” сифатида тарқалиши мумкин.

Шу билан бирга, мувозанатни таъминлашда давлат, жамоат ва фуқаролик институтларининг ҳамкорликдаги фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Давлат органлари миллий ғояни стратегик асос сифатида белгилаб, уни миллий дастурлар орқали амалга ошириши керак. Жамоат ташкилотлари эса ушбу ғояларни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий механизмларини яратиши лозим. Фуқаролик жамияти эса ғоявий мустақилликни англаш ва унда иштирок этиш маданиятини шакллантириши билан идеосферанинг узвий тузилмасига айланиши мумкин.

Натижада, миллий ўзликни глобал таъсирлар шароитида сақлаш механизми бугунги кунда бир қатор институтлар фаолиятининг мувофиқлашуви, стратегик фикрлаш ва

мафкуравий барқарорликка асосланган комплекс ёндашувни талаб этади. Бу жараён фақат давлат миқёсида эмас, балки ҳар бир фуқаро, ҳар бир таълим ва маданият муассасаси, ҳар бир ахборот ташувчи институтнинг масъулиятига айланиши керак.

Замонавий жаҳон мафкуравий муҳиtida жамият идеосферасининг барқарорлиги, миллий онгининг мустаҳкамлиги ва фуқароларнинг ғоявий иммунитетини нафақат маънавий, балки сиёсий ва миллий хавфсизликнинг асосий шартларидан бирига айланмоқда. Мақолада олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, глобал таъсирлар шароитида миллий ўзликни сақлаш ва ривожлантириш фақат кадриятларни сақлаш эмас, балки уларни замонавий ҳаёт тарзига сингдириш, глобал ғоялар билан мувозанатда юритиш орқали амалга оширилади.

Мафкуравий мувозанатнинг таъминланиши – истиқлолни маънавий жиҳатдан барқарор қилишнинг кафолатидир. Миллий ўзлик, фуқаролик позицияси ва маънавий мустақиллик мустаҳкам бўлган жамиятгина ташқи мафкуравий таҳдидларга қарши туриш қобилиятига эга бўлади. Миллатнинг ўз-ўзини англаши, тарихий хотираси ва келажак сари боғланган интилишлари – идеосферанинг узвий қисми бўлиб, уларнинг муҳофазаси ва такомилли мустақилликнинг маънавий пойдеворини ташкил этади.

Идеосферани муҳофаза қилиш бугунги кунда миллий хавфсизликнинг ажралмас таркибий қисми сифатида қаралиши керак. Ахборот хуружлари, “мафкуравий импорт”, радикал ғоялар ва поп-маданият орқали инсон онгидаги кадриятлар тизимини парчалашга уринишлар – бугунги глобал муаммолар сирасига киради. Демак, идеосфера устидан стратегик назорат, мафкуравий мувозанатни сақлаш, ахборот оқимларига нисбатан миллий филтер механизмларини жорий этиш – миллий сиёсат даражасидаги масалага айланиши зарур.

Мақолада олиб борилган назарий таҳлил ва манба асосида қуйидаги илмий ва амалий таклифларни билдириш мумкин:

1. Таълим тизимида миллий онг ва ғоявий барқарорликни таъминлашга қаратилган фанлар ва ўқув дастурларини такомиллаштириш. Бу жараёнда “Миллий ғоя”, “Ўзбек маданияти тарихи”, “Инсон ва жамият” каби фанларнинг замонавий таҳрирда таҳлилли ўқитилиши муҳим.

2. Миллий медиалар платформасини шакллантириш ва кучайтириш, ахборот сиёсатида маҳаллий ғояларни рақобатбардош тарзда визуал, интерактив ва оммавий маҳсулот сифатида тақдим этиш.

3. Ёшлар маънавиятини глобал таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган комплекс дастурларни жорий этиш, хусусан, ёшлар ташкилотлари, ОАВ, таълим

муассасалари ва маданий марказларни ушбу йўналишда ягона стратегия асосида бирлаштириш.

4. Идеосферани давлат сиёсати даражасида стратегик соҳа сифатида қайта баҳолаш, унинг миллий хавфсизлик концепцияларига интеграция қилиниши.

5. Фуқаролик жамяти институтлари иштирокида миллий ғоянинг ҳаётда намоён бўлишини таъминлаш, жумладан, маҳаллалар, касб-ҳунар коллежлари, театр ва санъат жамоалари орқали миллий ғоянинг ҳаётий тарғиботини кучайтириш.

Хулоса қилиб айтганда, жамят идеосферасида миллий ўзликни глобал таъсирлар фонида асраб-авайлаш ва ривожлантириш – давлат ва жамятнинг маънавий, мафкуравий ва стратегик салоҳиятини белгилайдиган ҳал қилувчи мезондир. Бу вазифани самарали амалга ошириш фақат мулоҳазали, тизимли, замонавий ва миллий заминга асосланган ёндашув орқали мумкин бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Иккинчи нашр. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2022.
2. Юлдашев Б. Глобаллашув жараёнида миллий қадриятлар ва мафкуравий хавфсизлик. // “Маънавият” журнали. – 2021. – №3. – Б. 45–49.
3. Кудратов А. Миллий ғоя ва идеология. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2019. – 216 б.
4. McQuail, D. Mass Communication Theory. – London: SAGE Publications, 2010. – p. 147–153.
5. Tomlinson, J. Globalization and Culture. – Chicago: University of Chicago Press, 1999. – p. 77–83.
6. Brzezinski, Z. The Grand Chessboard: American Primacy and Its Geostrategic Imperatives. – New York: Basic Books, 1997. – p. 25–27.